

«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚК
Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан
2014 йил “09” октябрда
«ТАСДИҚЛАНДИ»
2015 йил “16” ноябрда
ўзгаришлар киритилди
Кузатув кенгашининг раиси

«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» Акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма
корхонанинг ижрочи органи тўғрисида»
НИЗОМ
(Қуйида - Корхона)

- I. Умумий қоидалар
- II. Корхона ижрочи органини ташкил этиш тартиби
- III. Корхона ижрочи органининг компетенцияси, ваколатлари ва мажбуриятлари
- IV. Корхона ижрочи органининг ишлаш тартиби
- V. Корхона ижрочи органининг жавобгарлиги

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Корхона ижрочи органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, ташкил этилиш, тайинлаш тартибини, шунингдек ижрочи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижрочи орган остида яқка шахсли ижрочи орган (Бош директор) тушунилади.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва «Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚК Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II. КОРХОНА ИЖРОЧИ ОРГАНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

2.1. Корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарлик яқка шахсли ижрочи орган – Бош директор (“Бош директор”) томонидан амалга оширилади.

2.2. Корхона Бош директори Корхона Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларни бажаради ва улар томонидан ўтказилаётган сиёсатни амалга оширади. Бош директор Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас, бироқ у Кузатув кенгашининг мажлисларида консултатив (тавсия этувчи) овоз сифатида қатнашишга ҳақли.

2.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тайинланади. Одатда Бош директорни тайинлаш ишлари ушбу лавозим учун ўтказилган танлов натижалари бўйича, хорижий менежерлар ҳам қатнашиши имконияти билан амалга оширилади.

2.4. Бош директор лавозимиغا илгари сурилган номзодларни кўриб чиқиш ва уларни тасдиқлаш ишлари Кузатув кенгашининг тақдими бўйича Акциядорларнинг умумий

йиғилиши томонидан амалга оширилади. Бош директор лавозимига номзод Корхонага ўзининг жиной жавобгарликка тортилганлиги факти ҳақида маълум қилиши зарур.

Кузатув кенгашининг раиси Бош директор лавозимига у ёки бу номзодни тақдим этар экан, меҳнат шартномасини тузиш шартлари ҳақида ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартномани тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида маълум қилади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Корхона Бош директори лавозимига таклиф этилган номзод маъқулланганидан кейин якка шахсли ижрочи орган билан тегишли лавозимий вазифаларни бажариш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади. Бош директор билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга, шартномани чўзиш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисидаги ҳар йиллик қарор қабул қилиниши билан тузилади. Шартномани Корхона номидан Кузатув кенгашининг раиси имзолайди. Ушбу шартномада Бош директорнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва вазифалари, бошқарувчилик фаолияти учун оладиган мукофот пулининг миқдори, ваколатларининг муддати ҳамда Устав, мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уни ишдан озод этиш ишлари белгиланади.

2.6. Бош директор Корхона Бош директорининг тақдимоти бўйича Умумий йиғилиш томонидан тайинланадиган ўринбосарга эга бўлиши мумкин.

2.7. Бош директор ўринбосарининг ваколатлари Корхона Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

2.8. Бош директор ва Бош директорнинг ўринбосари Корхона томонидан амалга ошириладиган ишларни юритишда зарур тажриба ва малакага эга бўлиши лозим.

2.9. Бош директор йўқ бўлганида ва у муайян сабабларга кўра ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, бу даврда унинг вазифаларини ишончномасиз Бош директорнинг ўринбосари бажаради.

2.10. Корхона Бош директори Корхона Уставини ҳамда шартнома шартларини бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан четлатилиши ва бир вақтнинг ўзида у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Бош директорни ишдан четлатиш ва у билан шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Бош директор кўпол қоидабузарликларга ёки Корхонанинг тасдиқланган йиллик бюджети ва Бизнес-режаси параметрларининг бажарилиши барбод бўлишига йўл қўйганида Бош директор билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.12. Бош директорнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, унинг вазифасини Корхона Бош директори лавозимига номзод тасдиқланадиган Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда Бош директорнинг ўринбосари вақтинчалик бажаришига йўл қўйилади.

III. КОРХОНА ИЖРОЧИ ОРГАНИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯСИ, ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Корхона якка шахсли ижрочи органининг компетенциясига Корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши компетенциясига ёки Кузатув кенгашининг компетенциясига доир масалалар бундан мустасно.

3.2. Бош директор Устав, у билан тузилган меҳнат шартномасининг шартлари ва мазкур Низом билан белгиланадиган компетенция доирасида ҳаракат қилади.

3.3. Бош директорнинг ваколатлари ва мажбуриятлари:

(а) Корхонанинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Корхона номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, ишончномалар бериш, хорижий ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисоб, клиринг ва бошқа банк ҳисобрақамларини

очиш, Корхонанинг молиявий ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлиш, Корхона мулки ва маблағларини бошқариш, буйруқлар чиқариш, Корхонанинг барча ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган фармойишлар ва кўрсатмаларни бериш;

(б) пул маблағларини керакли валютага конвертация қилиш ва муддати келганида Корхонанинг жорий фаолияти натижасида кўрилган барча талашилмаган чиқимлар ва харажатларни ҳамда Корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ қонун бўйича талаб этиладиган бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш;

(в) ўз ваколатлари доирасида Корхонанинг жорий фаолиятини юритиш учун зарур бўлган шартномалар ва битимларни (шу жумладан, меҳнат, савдо, гаров, ижара (лизинг) шартномаларини) муҳокама қилиш ва имзолаш;

(г) Корхонанинг жорий фаолиятига доир барча масалаларда мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари билан муносабатларда Корхонани тақдим этиш;

(д) Корхонанинг жорий фаолиятини амалга ошириш учун зарур ёки мақбул бўлган воситалар ва ҳуқуқларга эга бўлиш;

(е) Бош директор фавқулодда ҳолатларда одамларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкани ҳимоя қилиш, Корхона активларини ҳимоя қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилиш учун зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай оқилона ҳаракатларни бажариш ҳамда Корхонанинг оқилона назоратидан ташқарида бўлган қутилмаган воқеаларга оқилона харажатларни амалга ошириш, Бош директор томонидан ўз вазифаларининг тегишли тарзда бажарилишининг бузилиши ҳисобланган ҳолатлар бундан мустасно;

(ж) Кузатув кенгашига Корхона фаолиятига тааллуқли бўлган барча тегишли маълумотларни Кузатув кенгаши томонидан сўралган шаклда ва муддатларда тақдим этиш;

(з) Корхона Акциядорлар кенгаши ва Кузатув кенгашининг йиғилишларини ташкиллаштириш ва уларнинг қарорларини бажариш;

(и) Йиллик якуний ҳисоботлар асосида Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига дивидендларни тақсимлаш учун зарур бўлган ҳисоб-китобларни тайёрлаш;

(к) Корхонани ривожлантириш бўйича дастурлар ва бизнес-режаларни ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

(л) Корхонада бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботлиликнинг тегишли тарзда бўлиши ва ҳаққонийлигини, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва маълумотларни олувчи бошқа шахсларга Корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш. Бош директор йиллик бизнес-режа (Бюджет)нинг бажарилиш жараёни ҳақида ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради;

(м) Корхона ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш (Бош директор ўринбосари бундан мустасно), уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш;

(н) меҳнат интизومي ва Корхонанинг Ички Меҳнат Тартиби қоидаларига амал қилиш ҳамда бунинг ходимлар томонидан амал қилинишини таъминлаш;

(о) Корхонанинг хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик.

3.4. Бош директор ўзи билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.5. Бош директор ўзининг лавозими бўйича вазифаларини виждонан ҳамда Корхона манфаатлари учун яхши деб ҳисоблаган усулда амалга ошириши шарт.

IV. КОРХОНА ИЖРОЧИ ОРГАНИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Корхона Бош директори заруратга қараб, аммо ойда камида 1 марта Корхонанинг масъул ходимлари билан Бизнес-режа (Бюджет) бажарилиши ҳақида кенгашув мажлисларини ўтказди. Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал этиши учун Бош директор томонидан чиқариладиган масалалар даставвал ижрочи орган кенгашларида муҳокама қилинади. Бош директор ёки у вакил қилган Корхонанинг масъул ходими Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Корхона ижрочи органининг нуқтаи назарини билдиради ва ҳимоя қилади.

V. КОРХОНА ИЖРОЧИ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бош директор Корхонанинг кундалик фаолиятини жорий бошқариши учун тўлиқ жавобгар бўлади. Бош директор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва мазкур Уставга қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади ҳамда вақти-вақти билан Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган тартиб, кўрсатмалар, қарорлар ва ёки йўриқномаларга амал қилган ҳолда Корхона фаолиятини тўлиқ бошқариш учун жавоб беради.

5.2. Агар Бош директор томонлардан бири Корхона ҳисобланган битимдан молиявий жихатдан манфаатдор бўлса, у ўзининг манфаатдорлиги ҳақида Кузатув кенгашига қарор қабул қилинган пайтга қадар маълум қилиши ва бу битимни фақат Кузатув кенгаши маъқуллаганидан кейингина тузиши (амалга ошириши) шарт.

5.3. Бош директор ўзига хизмат мавқеи томонидан тақдим этилган ҳуқуқлардан ўзи аффилирланган муносабатларда бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадларида ва уларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги керак.

5.4. Корхона Бош директори Корхона мулкани идора қилишдан шахсий фойда олиш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги зарур.

5.5. Корхона Бош директори ушбу лавозимда ишлаш даврида фаолияти Корхона хизматларини сотишда қийинчилик туғдирувчи корхоналарни таъсис этиш ёки уларни таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Бош директор Корхонага лавозимга тайинланганида ўзининг худди шундай корхоналардаги иштирокини тўхтатиши ва бу ҳақда Корхона Кузатув кенгашига маълум қилиши шарт.

5.6. Корхона Бош директори ўз вазифаларини бажармаслик ёки тегишли тарзда бажармаслик натижасида Корхонага етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Корхона Уставига мувофиқ Корхонага етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Корхона олдида шахсан жавобгар бўлади.

5.7. Шу билан бирга, Бош директор Кузатув кенгаши ёки Акциядорлар умумий йиғилишининг Корхонага зарар етказилишига олиб келган қарорлари бажарилиши учун (агар у ушбу қарорларга қарши бўлган бўлса) жавобгар бўлмайди.

5.8. Корхона ёки Корхонанинг жойлаштирилган оддий акцияларининг жами камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Бош директор ёки Бош директор ўринбосари устидан Корхонага етказилган зарарларни қоплаш борасида судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.